

---

## ФАРҒОНАДА ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА БАРПО ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги ўрганишлар давомида Гулистон кўчасида барпо этилган қулупнай етиштиришга ихтисослашган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

“MARAFON GROUP” холдинги таркибидаги “ILYASOV” МЧЖнинг қишлоқ хўжалиги кластерига тегишли “Dolina story element” МЧЖ томонидан 1,12 гектар майдонда ташкил этилган гидропоника усулидаги иссиқхона лойиҳа қиймати 700 минг АҚШ долларига тенг.

Туркиядан олиб келинган 145 минг кўчатдан йилига 70 тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилган. Қулупнай асосан ички бозорга олиб чиқилиб, маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади. Кластер раҳбари Фахриддин Ильясов бу ерда амалга оширилаётган жараёнлар ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, шу жойга ёндош ҳудудда 2000 тонна маҳсулотни совутишга мўлжалланган катта сиғимли музлатгич ҳам қурилиши бошланган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-12-07 23:02:29